



Ўзбекистонда президент Ислом Каримовнинг кутилмаганда содир бўлган вафотидан сўнг мамлакат конституциясига мувофиқ 4 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун мамлакатда расман рўйхатдан ўтган 4 та партия ўз номзодларини эълон қилган.

Бу партияларнинг чўнтак партиялар эканлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Халқ ҳам, дунё сиёсий саҳнасидаги жараёнларни кузатиб борадиган ер юзидаги афкор омма ҳам, бу партияларнинг сиёсий жиҳатдан жамият ичида ҳеч қанақа таъсир кучи йўқлигини, уларнинг вақти-вақти билан диктаторларнинг мавқеини мустаҳкамлаб бериш учун хизмат қилишини яхши билади.

Албатта, уларнинг туриш-тумуши, ҳар қадами жиноят, Ўзбекистон қонунларига тамоман зид эканлиги, бошқа бир мавзу, бошқа бир масала.

Аввалроқ, 16 сентябрь куни Ўзбекистондаги ЎзЛиДеп партияси мамлакат муваққат президенти Шавкат Мирзиёевнинг номзодини илгари сурган эди.

«Миллий Тикланиш» партияси президент сайловига ўз лидери Сарвар Отамуродовни номзод ўлароқ эълон қилган.

«Адолат» социал демократик партияси 17 сентябрда бўлган ўз йиғинида партия раҳбари Наримон Умаровни президентликка номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам Марказий Кенгашининг 17 сентябр куни бўлиб ўтган йиғинида партия раҳбари Ҳотамжон Кетмоновни Ўзбекистон президентлигига номзод сифатида кўрсатди.

Мамлакатдаги вазирликлардан биридаги манбанинг айтишича, «Миллий Тикланиш» партияси томонидан илгари сурилган Сарвар Отамуродов номзоди ҳам,



## ЧЎНТАҚ ПАРТИЯЛАРНИНГ СИЁСИЙ КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАРИ

бошқалари сингари шунчаки кўзбўямачилик учун қўйилди.

Ўзбекистонда аҳволнинг бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

С. Отамуродов аввал автосуғурта компаниясида ишлаган ва у ерда фирибгарлик фаолиятини олиб борган.

Шунингдек, Наримон Умаров ва Ҳотамжон Кетмоновларнинг бу иккинчи маротаба ўз партиялари томонидан президентликка номзодлари қўйилиши. Бу икки номзод исмлари 2015 йилги президент сайловларида ҳам жамоатчилик, жаҳон сиёсий доиралари ва мабуотни чалғитиш мақсадида, кўзбўямачилик учун Каримовга рақиб сифатида кўрсатилган эди. Бу йилги сайловларда ҳам уларнинг номзодлари Шавкат Мирзиёевга рақиб сифатида кўрсатилган оддий кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмаслиги барчага аён.

Қолаверса кеча вақтинча

президентлик вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Жиззахга вилоятига ташриф буюриб, бир неча кадрларни лавозимидан олиб, бошқа шахсларни тайинлаган. Шулардан бири Тошкент шаҳрининг олдинги ҳоқими Тўхтаевни Жиззах шаҳрига ҳоким қилиб тайинлаган.

Тўхтаевнинг машҳур бир арокхўр эканлиги, унинг халқ наздидаги жиноятларини Шавкат Мирзиёевнинг хаспўшлаши ва уни юқори лавозимга тайинлаши, албатта, ҳар икки шахснинг сиёсий жиноятлардан ҳам кўра иқтисодий жиноятларни бақамти амалга ошириб келганларига бориб тақалади.

Шу ваддан унинг Жиззах шаҳрига ҳоким бўлиши асносида бир кун келиб, халқ ичида норозиликлар келиб чиқиши мумкинлиги ҳам манба томонидан тилга олинади.

ЎХХ хабарлар бўлими



## Шавкат Мирзиёев — мушт ва зўрлик билан оқсаройга йўл

Ўзбекистонни 27 йил бошқарган Ислом Каримов тириклик пайтида ҳам, жуда кўпчилик овоз чиқариб айта оладиган бир гап бўларди: “Каримов ўлса, ўрнига Мирзиёев келади!”.

8 сентябр куни Ўзбекистон сенаторлари бир овоздан қабул қилган қарор, одамларнинг гапида жон борлигини кўрсатди.

Асосий қонун, Ўзбекистон Конституциясининг 96-моддасида, “президент ўз вазифаларини бажара олмай қолган вазиятда, унинг мажбуриятлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклагилади ва уч ой ичида «Ўзбекистон Республикаси президенти сайлаш» тўғрисидаги қонунга тўлиқ мувофиқ равишда президент сайлови ўтказилади», деб аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилганига қарамадан, Вақтинчалик президентлик ваколати Бош вазир Шавкат Мирзиёевга олиб берилди.

Ижтимоий тармоқдаги шу муносабат билан авж олган тортишувларда, “Ватан бизники! Сенаторларимиз бизнинг вакилларимиз! Улар шуни исташибдими, демек тўғри қилишибди!” дейишаётган кимсалар учун, Шавкат Мирзиёев хақида билганларимни ёзгим келди.

Шавкат Мирзиёев 1996 йилда Жиззах вилояти ҳокими бўлиб тайинланганида, мен Жиззах шаҳар телевидениясида ишлардим. Янги ҳокимнинг оғзи шалоклиги ва қўл остидагиларни дўппослаб туриши тез кунда бутун ахли вилоятга маълум бўлди.

### “Турмада чиришни истамасанг — даромадни биз билан бахам кўр!”

Шавкат Мирзиёев 2001 йилгача Жиззах вилоят ҳокими бўлиб ишлаган бўлса, шу давр ичида вилоятдаги ишлаб турган катта корхоналар вайрон бўлди. Бир суткада 15 минг одам ишлайдиган Жиззах темир бетон корхонаси, Жиззах ип йигирув корхонаси вайронага айланди, у ердаги қиммат дастгоҳлар ва бошқа ашёлар қажқадир ташиб кетилди. Айниқса, вилоятдаги каттаю кичик тадбиркорларга қийин бўлди. Шавкат Мирзиёев уларнинг бизнесларига аралашди: даромадли сохаларни ўз яқинларига олиб берди, уларга тегишли пулларни Вилоятда қурилаётган турли социал объектларга ишлатиб юборди. Бу ишларнинг ноқонуний эканини овоз чиқариб айтганлар, устидан жинойий иш очилиб, камоққа ташланди.

Жиззах шаҳрида, Муҳаббат исмли кўзга кўринган миллионер аёл бўларди. Дори дармон олди соттиси билан бойлик тўплаган бу опа унча мунча одамни одам санамасди. Набираларини Бешик тўйларига ҳам элга танилган санъаткорларни келтирарди. Ўғлини уйлаганида, Фаррух Зокиров бошчилигидаги “Ялла” гуруҳи навбатчи санъаткор бўлганди.

Бир вақт келиб мана шу аёлнинг олдига ҳам вилоят ҳокимлигидан чопар келади ва уни ҳоким

йўқлаётганини айтади. “Бой хотин” хузурига келгач, Шавкат Мирзиёев гапни чўзиб ўтирмасдан, опанинг бизнесига доир бир дунё ноқонуний ҳаракатлари қайд этилган “Папка”ни кўрсатиб, “Хўш, қамалиб кетаверамизми энди ёки, келишиб ишлаймизми?” дейди.

Ўша пайтда вилоят Машина Трактор паркида ишлайдиган бир мулозимнинг айтишича, “бизнесумен” Муҳаббат опа шу паркка бир ҳафта ичида 1 дона “Кейс” ва яна бир дона “Магнум” тракторларини келтириб берган экан.

Америкада ишлаб чиқарилган бу тракторлар учун салкам 100 минг доллар ҳаражат қилган Муҳаббат опани, Мирзиёев Самарқандга ҳоким бўлиб кетгунига қадар ҳеч қайси текширувчи ташкилот безовта қилмади.

### Яна бир хонавайрон бўлган тадбиркор

Ўша пайтда Жиззахда С. исмли бир номдор тадбиркор бўларди. Унинг хусусий фирмаси Россия билан ишларди. Унча мунча одам билан ишлашмас, жуда ҳам бой эди. Мирзиёев Жиззахга ҳоким бўлгач, ана шу тадбиркор «синди».

Бир куни ўша тадбиркор мени йўқлаб қолди. Гаплашдик.

«Подвалда эдим, кеча чикдим» деди у ва тафсилотларини айтиб берди.

Уни Мирзиёев хузурига чақирган ва ултиматив тарзда, шахсий маблағлари ҳисобидан, шаҳарнинг «Ц 2» худудида «Гўзаллик ва саломатлик маркази» биносини қуришни буюрган.

«Икки қаватли бино лойиҳасини кўрсатди. Мен кўнмадим, Тошкентдаги оқохонларимни пеш қилдим ва чиқиб кетдим» деди у.

Орадан бир кун ўтиб, уни вилоят прокурори (адашмасам, ўша пайтда Муҳиддинов эди) чақиртиради. Прокурор гапни айлантриб ўтирмайди ва уни валюта маблағларини ноқонуний сақлашда ҳамда солиқ тўловларини сохталаштиришда айблайди. Ўша ерда тадбиркор прокурор билан айтишиб қолади ва прокурор наряд чақириб, уни қамаб қўяди.

Тадбиркор камоқда икки ҳафта ўтиради. Уни ҳар куни ниқоб кийган одамлар кийнашади. Ўлар ҳолатга етганидан сўнг, у прокурор билан учраштиришларини сўраб ёлборади. Ўша кунёқ уни

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

прокурор хузурига олиб киришади.  
«Хўш, энангни кўрдингми? Розимисан?» дейди унга прокурор.

Қисқаси, бир иморатни куриб беришдан бош тортган тадбиркор, прокурор хузуридан 800 минг доллар (ўша пайтда!!!) пулни бериш ваъдаси билан чиқиб кетади.

«Хамма пулларимни олишди. Хозир ҳеч нарсам қолмади, на фирмам ва на пулим. Ҳаммасини талон тарож қилишди. Мана шу менинг воқеамни мақола қилиб, интернетда тарқата оласизми?» деди у.

Мен албатта рози бўлдим ва 2 кун ичида у айтиб берган воқеани бир мақола тарзига келтирдим ва «Тадбиркорнинг терисини ким шилди?» деб номлаб, эртага тарқатаман деб турган жойимда, ўша тадбиркор олдимга келди ва мақолани ҳеч қаерга тарқатмаслигимни катъий талаб қилди.

Кейин эшитишимча, ўша кунлари у йўқотган пулларининг алаmidан, пойтахтдаги нуфузли идора мутасаддиларига Мирзиёев устидан шикоят қилгач, балоғат ёшига етмаган ёлғиз қизи йўқолиб қолган экан. «Хамма нарсани унутсанг, қизингни қайтиб оласан» деган мазмунда хат олган тадбиркор, бола ўғриларининг талабларига кўниб, қизини эсон омон қайтариб олган...

### **Сиёсат ва шантажни чапиштирган Мирзиёев**

Каримов президентлиги даврида ҳеч кимни публично, яъни кўпчилик кўз ўнгида, катта йиғинларда «Ҳе, онангни.....» деб ҳақоратламади, дўшпосламади. Ҳарқалай, мен, «Президент катта йиғинда битасини кетига тепди» дейишганини эшитмадим. Мирзиёев Жиззахда ўтказган йиғинларда бемалол хоҳлаган одамни урарди, ҳақорат қиларди.

Бир куни шаҳар ҳокими Сарвар Худоёровни (рахматлик) ҳамманинг кўзи ўнгида ўрнидан турғазиб қўйиб. «Сен п....з, г....н, Онейни .....сани, қачонгача маҳаллаларинг пахта чопиғидан қочиб юради? Сука, биласанми, пахта кечикса ман сани нима қилишимни? Мен сени қамокда чиритмайман. Сени Кўк бозор олдидаги майдонга опчиқиб, ҳаммани олдида йигитларга айтиб ..... қилдираман!» деганди.

Шунча гапни терлаб пишиб ерга

қараб эшитган Сарвар Худоёров, «Шавкат ака, мен бугун аризамни ёзаман, мени бўшатиш» деганди йиғлағудек бўлиб.

Сарвар Худоёров, охир оқибат Шавкат Мирзиёевдан ўлиб қутилди. Ўзи Самарқандда ҳоким бўлсада, Жиззахдаги ҳоким ва тадбиркорларни тергаб турадиган Мирзиёев бир куни Сарвар Худоёровни хузурига – Самарқандга чақиради. Шоша пиша йўлга чиққан Жиззах шаҳар ҳокими, Самарқандга етмасидан, Булунгур тумани худудида юз берган ғалати авто ҳалокат натижасида вафот этади.

Кейинчалик, бу ўлим тафсилотлари ҳақида гап сўзлар урчиди. «Шавкат ўлдириб юборди Сарварни» дейишди одамлар. Янаям, Оллоҳ билади.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги даврида Жиззахнинг барча тадбиркорлари зарар кўришди. Ўша пайтда Жиззахда нима қурилса ёки ҳориждан келтирилса, ҳаммаси тадбиркор ва фермерлар пулига келтирилди. Хужжатларга эса, давлат бюджетидан, Капитал қурилишлар учун ажратилган маблағлар ҳисобига, дея ёзилди. Мирзиёев бунга яширмасди ва йиғилишларда «Тошкентдан ажратилган маблағларни тежаб қолаётгани» ҳақида мақтанарди. У ўзининг йиғилишларини ҳар доим ўша пайтдаги Жиззах ИИБ бошлиғи Муллажонов ва вилоят прокурори, ҳамда ўша пайтдаги вилоят МХХ бошлиғи Абдуллаев билан биргаликда ўтказарди.

### **“Эй, телевидения, камераларни йўқот бу ердан!”**

Шавкат Мирзиёев ҳокимлиги пайтида, тан олиш керак, Жиззах шаҳрининг қиёфаси яхши томонга ўзгарди. “Дом”лар атрофига куриб олинган турли уйчалар, майда чуйда дўкончалар, ошхонаю, товукхоналар ҳаммаси ўта қаттиқўллик билан бузиб ташланди. Бюджет ташкилотлари ишчилари ва талабалар ҳаммаси ёппасига шаҳарни тозалашга жалб этилди. Прокуратура ва милиция вакиллари куну тун бу тозалаш тадбири устида туришди. Шавкатнинг ўзи қилинган ишларни шахсан ўзи бирма бир текшириб, кўчаларни масъул вакиллардан қабул қилиб оларди.

Бундай тадбирларни ёритишга биз, ТВ ходимларини ҳам чақиришарди. Агар квартал яхши тозаланиб, “дом”лар олди очилиб, у

ерга гуллар экилган бўлса, Шавкат Мирзиёев вакиллари билан бир икки квартал аҳолиси билан бир икки оғиз гаплашарди ва бошқа жойга кетарди. Агар бунинг акси бўлса, яъни, у ерда қилинган иш ўлда жўлда бўлса, вакилнинг холига той эди.

Шавкат Мирзиёев ўша жойда турган журналистларга қараб, “Эй, телевидения, камераларни йўқот бу ердан! Вакил, .....мать! Иди сюда!” деб буйруқ берарди ва масъул вакилни ҳамманинг олдида тепкилаб, дўшпосларди. Ҳеч ким аралаша олмасди. Бироздан сўнг усти боши чангга буланган, ўзи бир аҳволдаги масъул вакил, кўлига супурги олиб уй олди йўлқалари ёки трагуарларни тозалаётганини кўрардик.

### **“Шаҳарни бўянг!” операцияси**

1998 йилнинг баҳорида, Шавкат Мирзиёев ўзининг янги тадбирини эълон қилди. Унга кўра, Жиззах шаҳри ва барча туман марказларидаги уйларнинг томлари ҳамда деворлари зангори рангга бўялиши керак эди.

Бу ҳақда ҳокимликдаги йиғилишда гапирган Мирзиёев, барча ташкилотлар олдида масалани қўлдаланг қўйди: “1 июнга қадар ҳамма уйларнинг томлари ва катта трассалар ёқасидаги уйларнинг деворлари зангори рангга бўялиши керак! Ҳамма ташкилотлар бу ишга жалб қилинади!”

Ўша куниёқ ҳамма ташкилотларга худудлар бўлиб берилди, масъуллар тайинланди.

Эртасигаёқ, Тошкент вилоятидаги бир хусусий корхонада ишлаб чиқарилган бўёқ Жиззахга тўхтовсиз ташиб келтирила бошланди. Барча тадбиркорларга, бюджет ташкилотларига бу бўёқлар мажбуран сотилди. Вилоят ҳамда туман марказидаги уйларнинг томлари ва деворлари қисқа муддатда зангори тус олди.

Нима учун фақат битта корхонада ишлаб чиқарилган зангори рангли бўёқ ишлатилаётгани билан қизиқиб кўрганимизда ғалати бир фактга дуч келдик.

Бўёқ ишлаб чиқараётган хусусий корхона, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг яқин қариндошларидан бирига қарашли бўлиб чиқди. Ўша корхонанинг сифатсиз зангори бўёқлари сотилмасдан қолиб, омборлар тўлиб тошиб кетган экан.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Жиззахни бутунлай зангори ранга бўяш “операцияси”, нуфузли қариндош ёрдамида, омборларда йиғилиб қолган маҳсулотни халққа мажбуран “едириш” ўйини эканлигини вилоятда камдан кам одам билди холос.

“Правда Востока” газетасининг Жиззахдаги ўз мухбири Николай Барашкин ҳам айнан шу фактлар асосида “Город в краске” деган танқидий мақолани ўз газетасида эълон қилганди. Мақола газетада чиққач, Шавкат Мирзиёев “Правда Востока” мухбирини зудлик билан хизмат хонасига чақиртиради.

Ўша куни ҳоким ва мухбир икки соат давомида нималар ҳақида гаплашиб олишгани ва нималарга келишиб олишганини ҳеч ким билмайди. Маълум бўлган ҳақиқат шуки, Николай Барашкиннинг Жиззахдаги карьераси ниҳоясига қадар “Правда Востока” газетаси Жиззах ва унинг раҳбари ҳақида биронта жиддий ва танқидий мақола чоп қилмади.

**Шавкат Мирзиёев одам ўлдириганми?**

Шавкат Мирзиёев Жиззахда ҳоким экан, ундан жабр торгганлар кўп бўлди. Бу одам қонунларини бир чақага олмас, унинг бундай ҳаракатларига қарши турганлар ё қамалиб кетарди ё қаёққадир ғойиб бўларди.

У ўтказган йиғилишлардан баъзилар қўлида кишан билан кетар, баъзиларини эса врачлар носилкасида олиб кетишарди.

1999 йилнинг кузи серёғин келди. Терим суръати паст, теримга чиққан ўқувчилар лой ва сув ичида кўп пахта тера олишмасди. Бир куни Фориш туманидаги мактабларнинг ўқувчилари ёмғир туфайли далага чиқа олишмайди. Ўша куни Шавкат Мирзиёев пахта терими боришига бағишланган йиғилишни ўзининг «стилида» олиб бораётиб, «Нега Фориш мактаблари бугун пахта топширмаган?» дейди ва форишлик бир мактаб директори ўрнидан туриб, «Шавкат ака, ёмғир кўп ёғди. Болалар касал бўлиб қолмасин дедик, чиқармадик далага» дейди.

Ўша залда бўлган бир фермер гапириб берганди менга, кейин нима бўлганини.

Мактаб директорининг гапи Шавкат Мирзиёевга ёқмайди. У директорга қараб «Ҳе сани онайни палон қилай!» дейди.

Форишликлар бошқача халқ. Жангари, самимий, мард ва ростгўй. Ҳокимнинг ана шу биргина ҳақорати, форишлик йигитни оёққа қалқитади ва у ҳокимга тик қараб «Ўзингни онангни палон қил аввал!» дейди баланд овозда.

Буни кутмаган Шавкат Мирзиёев, шахд билан саҳнадан тушиб келади ва директорнинг ёнига келасолиб, унинг жағига мушт тушуради. Туйқусдан тушган зарбадан жойига қайтиб ўтириб қолган директор, сакраб туради ва Шавкат Мирзиёевнинг тумшугига мушт тушириб қолади.

Зал тўс тўполон бўлиб кетади. Мирзиёев дарҳол вилоят ИИБ бошлиғи Муллажоновга қарата, «Дарҳол қамокқа ол буни!» дейди ва директорни қўлларини қайириб олиб чиқиб кетишади.

Орадан икки кун ўтгач, вилоят ҳокимининг ҳақоратига гап қайтарган форишлик мактаб директорининг жонсиз жасади яқинларига олиб бориб берилади.

Ана шу икки кун ичида вилоят ички ишлар бошқармасининг ертўласида, ўз шаънини химоя қилган йигитни хайвоний қийноқларга солишади. Қийноқларда Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи иштирок этганини кўрганлар бугун вилоят ва республика ички ишлари идораларида давру даврон суришяпти.

Воқеа вилоятда дув дув гап бўлди. Хамма «Шавкат энди тамом, қамалиб кетади» деди. Форишликлар оёққа қалқди. Ўлган йигитнинг яқинлари ва хамқишлоқлари учта автобусда адолат қидириб Тошкентга – президент Ислам каримов хузурига йўлга чиқишади. Бироқ, Шавкат Форишдан чиқадиган хамма йўлларни милиция ходимлари ёрдамида ёпади ва ўзи бир гуруҳ мулозимлари билан Форишга етиб боради.

Форишлик бир ҳамкасбимиз ўшанда «Ҳоким ўлган йигитнинг хонадонидан эрталабдан то кун ботгунгача ўтирди, хонадонни хамма муаммоларини ҳал қилиб берди. Марҳумнинг болалари ўз қарамоғида бўлишини айтиб, хонадонни кўнглини олди» деганди.

Бу гапларда қанчалик жон бор, билмайман. Лекин, ана шундан сўнг бу ғавғо тинчиди. Марҳумнинг қариндошлари қайсидир хориж радиосига «Боламиз юрак хуружидан ўлди» деб интервью беришди.

Орадан икки йил ўтгач, Шавкат Мирзиёев яна бир одамни уриб ўлдириб қўйгани ҳақида хабар тарқади. Дўстлик тумани пахта даласида вафот этган киши Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси Хамзаев эди (исмини унутдим). Пахта далаларини оралаб юрган Шавкат Мирзиёев талабалар кўз ўнгида Хамзаев домла билан қаттиқ «сен мен»га бориб қолади ва қулочкашлаб домланинг юзига мушт тушуради.

Домла ерга юзтубан бўлиб йиқилади ва қайтиб ўрнидан турмайди. Зудлик билан вилоят марказий шифохонасига олиб келинган домла Хамзаев тунда жон беради.

Ўша пайтда таниш шифокорлардан сўраб билганимиз шу бўлдики: домла Хамзаев қон босими хасталигидан азият чекиб юрар, вилоят ҳокимининг биргина мушти мия қон томирларининг ёрилиб кетишига сабаб бўлган экан.

Воқеадан сўнг Шавкат Мирзиёев зудлик билан Тошкентга чақирилади. Ва шу кетганича икки ҳафтагача йўқ бўлиб кетади. Вилоятда, Шавкатни президентнинг шахсан ўзи қабул қилгани ва кабинетда яхшигина калтаклагани, бунинг оқибатида ҳоким ҳукумат хастахонасида даволаниб чиққани ҳақида шов шувлар болалаб кетди.

Орадан қисқа муддат ўтгач бу воқеа ҳам унутилди. Шавкат Мирзиёев жойида қолди. Қолдигина эмас, аввалгидан ҳам қаттиққўллик ва зўравонлик билан вилоятни бошқаришда давом этди.

Шавкат Мирзиёев ҳақида гап кетганида уни хамма «хозяйственник», яъни хўжалик юритувчи дейди. Аслида, Мирзиёевда бу сифатнинг ўзи йўқ.

У Жиззах қишлоқ хўжалигини ботқоққа тикди. Нима иш қилса зўравонлик билан қилди.

Вилоят фермерларининг ҳисоб рақамларидаги пулларни истасан бошқа сохаларга ишлатди, вилоятдаги барча сохаларда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликни рағбатлантирди.

Пахта тозалаш заводларидаги тайёр маҳсулот – пахта толасини тонналаб қўшни давлатлар Қозоғистон ва Туркменистонга сотди.

Пахта заводининг директорлари қамалиб кетаверди, бир амнистияда

**(Давоми кейинги саҳифада)**

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

озодликка чиқиб, яна ўз лавозимига қайтарилаверди.

Дарвоқе, бир вақтлар республикадаги энг йирик Жиззах Машина трактор паркиннг (МТП) барча техникаси Мирзиёев ва унинг гуруҳи томонидан таг туғи билан Қозоғистонга ва Тожикистонга сотиб юборилган. Буни бугун ҳар бир Жиззахлик билади.

Шавкат Мирзиёев 10 йил давомида Жиззах ва Самарқандда олиб борган зарарли сиёсатини, Бош вазир лавозимига келгач республика миқёсида олиб бора бошлади.

Биттагина мисол: Шавкат Мирзиёев Бош вазир бўлмасидан илгари вилоятлардаги амалдорларнинг зўравонлиги ва муштумзўрлигининг миқёси бу қадар катта эмас эди.

Бугун эса ҳамма ҳокимларнинг ўз қўл остидагиларни калтаклаши – модага айланган.

### Шавкат Мирзиёев президентлиги Ўзбекистонга нима беради?

Шавкат Мирзиёев раҳбар бўлган вилоятда яшаган ва ишлаган бир инсон сифатида шуни дадил айтаманки, агар у сайловларда президентлик лавозимини қўлга киритса (бу эса аниқ), Ўзбекистонни кўрқинчли кунлар кўтаятти.

Аввалига икки йирик вилоятни, кейинчалик эса

бутун республиканинг қишлоқ хўжалигини инқирозга олиб келган, соҳадаги қўшиб ёзишларни қонунийлаштирган раҳбардан яна нима кутиш мумкин?

Асосий қонун – Конституцияни менсимасдан, уни оёғи остига тўшаб, бир гала амалдорларни шантаж қилиш оқибатида Президентлик лавомига ўтириб олган одамдан нима кутамиз?

Сиёсий билимини қўйиб турайлик, ўзбек тилида яхши гапира олмаган, “ўғит” сўзини “ўғит” сўздан фарқлай олмаган “президент” халққа нима беради?

Энг ёмони, криминал структураларга яқин бўлган шахсларга мансаб бериш ва уларни керак бўлган тақдирда ўз фойдасига ишлатиш тажрибасини ўз карьераси давомида қўллаб келган одамга президентлик лавозимини ишониш мумкинми?

Албатта, Шавкат Мирзиёев ўз ўзидан бугунги поғонагача етиб келгани йўқ. Унинг ортида шу кунгача марҳум Ислоҳ Каримов турди. Шавкат Мирзиёевни Ислоҳ Каримов дунёга келтирган. Ўзи яратган кадрнинг вилоятларда ҳокимлик давридаги барча ишларини у кўриб билиб турган. Бироқ, ўз вақтида уни танобини тортмади, аксинча, муштумзўр “хозяйственник”ни Бош вазир лавозимига келтирди. Агар, Ислоҳ Каримов, Шавкат Мирзиёевни Жиззахдаги ҳокимлик даврида

қайриб ола билганида эди, Ўзбекистондаги ижтимоий ва сиёсий ландшафт бугун умуман бошқача кўринишда бўларди...

Мақолани тугатар эканман, Озодлик радиоси хабар тақатди. “Т. Каримованинг пора жанжали ортидан ишдан олинган А. Арипов лавозимига қайта тикланди”

Менимча бу ҳали ҳаммаси эмас. Шавкат Мирзиёевга ўта содиқ бўлган, у Самарқандга кетгач, Жиззах ҳокими бўлган ва муштумзўрлиги оқибатида “Қутурган ҳоким” лақабини олган Убайдулла Ямонкулов деган амалдор бўларди. Агар эртага “Шавкат Мирзиёев, Жиззах вилоятининг собиқ ҳокими Убайдулла Яхшибаевич Ямонкуловни Бош вазир ўринбосари лавозимига тайинлади” деган хабар чиқса, мен ҳайрон қолмайман.

Жиззахлик бир фермерни ўзига қабр қавлатиб, домлага жаноза ўқитиб, тириклай кўмдирмоқчи бўлган, Шавкат Мирзиёевнинг эркатойи ҳисобланган Ўқтам Мингбоевич Турсинов (шоир Абдулла Ориповни жияни) Жиззах вилоятининг ҳокими бўлибди деган хабар ҳам мени шокка туширмайди. Нега?

Чунки, Ўзбекистонда бундан буён Шавкат Мирзиёевнинг даври бошланди.

Улуғбек Ашур,  
Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

### Отамурод Раҳмон

— Ислоҳ Каримов Конституцияни бузди.

— Нима қипти, бизга тинчлик керак.

— Динга тазйиқ қилди, диндорларни қамади.

— Нима қипти, бизга тинчлик керак.

— Андижонни қонга ботирди.

— Нима қипти, бизга тинчлик керак.

— Қизи Гулнора миллиард-миллиард доллар давлат пулларини ўмарди. У учига чиққан порахўр.

— Нима қипти, бизга тинчлик керак.

— Қизи Лола чет эллардан миллион-миллион долларлик бир нечта у сотиб олди — қайси пулга?

— Нима қипти, эйлаптим, қандини урсин, бироқнинг чўнтагидагини санагунча ўзингни ўйла... Бизга тинчлик керак.

— Гулнора уй қамоғига олинбди.



### Янги фалсафа

— Яхши бўпти, бизга тинчлик керак.

— Каримовнинг ўлганини нимага яширишяпти?

— Ўлганнинг орқасидан ғийбат қилманглар, бизга тинчлик керак.

— Мирзиёев Конституцияни бузиб вақтинча вазифа бажарувчи президент бўлиб олибди.

— Нима қипти, ҳаққи бор, фитна қилманглар, бизга тинчлик керак.

— Мирзиёев устозининг тупроғи ҳали совимай туриб Ўзбекистонни

Ўрусияга сотибди.

— Нима қипти, биз сайлаган депутатлар уни сайладими, демак бизнинг бошлиғимиз бўлди, энди билганини қилсин, бизга тинчлик бўлса бўлди.

— Лола билан эрининг соғин сигири бўлган «Абу Сахий»га текширув тушибди, Мирзиёевнинг одам (куёв)лари қўлига ўтармиш энди.

— Нима қипти, олса сеникини оптими, устозининг қизиникини олган. Фитна қилманглар, бизга тинчлик керак.

.....

— Бу кетишда ўзбек халқида адолат туйғуси қолмайди. Ҳақ учун кураш туйғуси ўлади. Эртага ватанга душман бостириб келса, қўшқўллаб топширадиган қул бўлиб қолади...

— Нима қипти, бизга...

*Муаллифнинг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди*

**Сара Кензиор,****Марказий Осиё тадқиқотчиси**

Аҳолисининг аксари мусулмон бўлган ва Афғонистон билан чегарадош Ўзбекистон келажаги билан боғлиқ асосий саволлардан бири жангари Ислом мамлакатдаги вазиятдан фойдаланиб, не қадар хавф сола бошлаши ҳақидадир.

Бу хавотир ва савол янгилик эмас. Ғарб айна савол устида 25 йилдан бери бош қотириб келади. Жавоб эса ҳамisha, «йўқ, бундай хатар мавжуд эмас» қабалида эди.

Ўзбекистон «жангари исломчилар ўчоғи» деган «обрў»сига қарамай у ерда террорчи ҳужумлар камдан-кам рўй беради.

Исломчи гуруҳлар кенг тарқалмаган ва аксар мусулмонларнинг уларга қўшилиш истаклари йўқ.

Аксинча, мамлакат ва унинг аҳолисига асосий хавф Хавфсизлик Хизматидан келиши эҳтимоли кўпроқ.

Ислом Каримовнинг вафоти худди унинг ҳаёти каби бўлди. Яъни сир-асрорларга тўла ва асосан миш-мишлар орқали муҳокама қилинди. Миш-мишлар айна авторитар ва ёпиқ мамлакатда маълумотнинг асосий манбасига айланган.

Ўзининг 27 йиллик бошқаруви даврида Ислом Каримов халқ эркинликларини топтади ва тазйиклар ҳақидаги далилларни беркитди.

Лекин маълумот тизимининг назорати унданда барҳаётроқ бўлиб чиқди.

Ўзбекистон исломий жангарилар хавфи остида, деган қараш Ислом Каримов тарғиботи ва назоратни қаттиқ ушлаш ҳаракатларининг ҳосиласидир.

Мархум Каримов ўзбекларни ўз эътиқодларига риоя қилишларини қўллади, лекин жуда тор ва ҳукумат кўрсатмаларига мос тушувчи, шунингдек, давлат томонидан маъқулланган масжид ва имомлар ёрдамидагина бўлишини талаб қилди.

1990-йиллар мобайнида ҳукумат мамлакатнинг демократик Конституциясини ёзишга кўмак берган сиёсатчиларни қамокқа ташлади, ёки мамлакатдан чиқариб юборди. 90-йиллар охирида эса кўплаб масжидларни ёпди. Шу билан бирга, «Оллоҳ бизнинг қалбимиз ва юрагимизда» деган китобни нашр этди.



## «Ўзбекистоннинг бош муаммоси терроризм эмас, ўз сиёсати»

1990-йилларда ҳукуматнинг асосий «балоғардон»и «Ҳезбу Таҳрир» эди. Ташкилотнинг варақа ва китоблари ўзгача фикрловчиларнинг машина ва уйларига ташланиб, ҳибсга олиш учун «баҳона» сифатида ишлатилди.

1999 йили Тошкентда, тахмин қилинишича, Ўзбекистон Исломий Ҳаракати томонидан уюштирилган портлашлар рўй берган вақти ҳукумат бу амалларга алоқаси бўлмаган минглаб кишиларни қамокқа ташлади.

2005 йили таниқли ишбилармонларнинг ҳибсга олиниб, маҳкамага тортилишлари Андижонда кенг миқёсли норозиликларни келтириб чиқарди. Ҳукумат намойишчиларни ўққа тутиш билан жавоб берди, юзлаб инсонлар ҳалок бўлди.

Ҳукумат намойишларни ташкиллаштиришда «Акримийлар» гуруҳини айблади ва куч ишлатиш лозим бўлганлигини таъкидлади. Лекин «Акримийлар» ўзбек давлат тарғибот машинасининг ҳосилидир.

Ҳозирда Ислом Каримовнинг вафоти билан мамлакат беқарорлик босқичига кириб бормокда. Лекин Ўзбекистон бош кўтараётган терроризмга юзма-юз келади, деб айтиб бўлмайди.

Террорчи ташкилотлар сафларига қўшилган ўзбекистонликлар сони бир неча юздан бир-икки мингга қадар дейилади. Ўзбекистонга хавф солиш даражасида ташкиллашган бирон ўзбек жангари гуруҳи йўқ. Аксинча, улар кўпда бир-бирига

рақиб гуруҳлар бўлиб, одатда бошқа мамлакатларда кечаётган ҳодисалар билан қизиқадилар.

ИШИД каби террорчи ташкилотлар ўзбеклар томонидан бошқарилмайди ва асосини ҳам ўзбек жангарилари ташкил этмайди. «Ўзбек террорчилар» дегани булар айнан Ўзбекистондан эканликларини ва мамлакатдаги вазият билан қизиқишларини ҳам англамайди.

Кўплаб ўзбекистонликлар Россияда меҳнат муҳожириликда ва айримлар ўша ерда террорчи гуруҳлар сафларига тарғиб этилганлар.

Ўзбекистонни ўзининг асосий эътибор марказига қўйган гуруҳлар эса кам. Масалан, «Ислом Жиходи Бирлашмаси» ёки анчайин заифлашган Ўзбекистон Исломий Ҳаракатини айтиш мумкин.

Албатта, Ўзбекистон қудратнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтишини бошдан кечирар экан ҳар нарса рўй бериши мумкин.

Лекин минтақанинг энг кўп сонли ва муҳим мамлақати бўлмиш Ўзбекистонда Хавфсизлик Хизмати ишидаги кескинликнинг сусайиш эҳтимоли кам.

Ўзбекистон ҳукумати террорчиликка қарши кураш баҳонасида давом эттираётган тазйикларини тўхтатади, дея умидвор бўлиш ҳам қийин.

Мазкур жараёнлар давом этади ва улар ўзбек халқига террорчилардан кўра кўпроқ хавф солиши эҳтимоли ҳам каттароқ.

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)



## Ўзбекистонда Ҳайит намози вақтида болалар ва вояга етмаган ёшларнинг масжидга киришларига тўсқинлик қилинди

Ўзбекистондан келаётган хабарларга кўра, 12 сентябр куни, мамлакатда Курбон Ҳайити намози ўқилиши вақтида масжидлар киришларида хавфсизлик чоралари ўта кучайтирилган равишда ташкиллаштирилгани кузатилган.

Кириш жойларида жонли блокпостлар ташкил қилиниб, болалар ва вояга етмаган ёшларнинг масжидларга киришларига тўсқинлик қилинган.

Facebook.com ижтимоий тармоғида тарқалган аниқ манзили маълум бўлмаган, Ўзбекистондаги масжидлардан бирида Ҳайит намози вақтида олинган суратда милиция ва фуқаролик либосидаги йигитларнинг жонли тўсиқ ташкил қилиб турганини кўриш мумкин.

“Ўзбекистоннинг биринчи

президенти даврида катта жамоат намозлари ўқилиши вақтида милиция ходимлари масжид киришларида бир четда туриб хавфсизликни таъминлашар эди. Энди ўртага жонли блокпост туриб олибди, вақтинча президент даврида, ушбу лавозимга ўтганига бир ҳафта бўлмасдан шундай ҳатти-ҳаракатларни кузатаётган бўлсак, Аллоҳ билади бир ой ёки бир йилдан сўнг нима бўлади”,- деб ёзади ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири.

“Бу вақтинча президент устозидан ўтади шекилли. Дин душмани экан бу вақтинча подшо ҳам...”,- дейди яна бир фойдаланувчи ўз изоҳида.

**ЎХХ таҳририятига келган мактуб**

## Мирзиёевнинг қобилиятига, иқтидорига ишонмаётганлар диққатига

**Отамурод Раҳмон**

Шавкат Мирзиёевнинг қобилиятига, иқтидорига ишонмаётганлар диққатига:

Ўзбекистон иқтисодини ўтирғизиб қўйган, завод-фабрикаларни тугатиб, мамлакатни хомашё етказиб берувчи, ўзини эса тайёрига харидор қилиб қўйган, қишлоқ хўжалигини ётқизиб ташлаган, биргина пахтани ё буғдойни етиштиришдан тортиб териб олишгача янги самарали йўллари топа олмаган, хуллас, ҳеч бир ишни эплай олмаган инсон битта давлатни ўтирғизиб қўя олмайдами?!

Эплайди, бунисини аниқ эплайди!

Давлатни барбод қилиш учун президент бўлиб сайланиши ҳам шарт эмас. Мана шу уч ой ўзи унга етса керак.

\*\*\*

Мирзиёев мамлакатнинг Асосий Қонунини қўполбузиб, вақтинчалик президент в.б. бўлиб олгани мамлакат ичида ҳам, ташқарисида ҳам қаттиқ норозиликларга сабаб бўлмоқда. Аммо Мирзиёевнинг ўзи пинак ҳам бузмаяпти.

Аксинча, эътибор бераётган бўлсаларингиз, биринчи кундан у ўзини вақтинча эмас, доимий президентликка сайланиб бўлгандай тутяпти.

Ислоҳ Каримовнинг кечаги маддоҳлари ҳам тезликда тилларини чаппа буриб, энди Мирзиёевни мадх эта бошлашди.

Депутатлар, давлат одамларидан тортиб оддий кишиларгача булар ҳам Мирзиёевни «Юртбоши» дея бошлади.

Уят йўқ!

Ҳеч бўлмаса, йўлига бўлса ҳам, уч ойлик муддатга сабр қилиб турунглари, ҳали ундан кейин узооооок муддат ялашга улгурасизлар, орсизлар, номуссизлар!

Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши-е!..

**Муаллифнинг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди**

Ўлган — ўлди. Ўлганини яшириш маросими ҳам ниҳоясига етди...

Лекин энди, назаримда, шу ёлғонларни оклаш маросими бошланади!

«Юқоридан» тарқатилган гулдасталар ташланди.

Юқоридан Ўликнинг ўлганини яшириш мақсадида тузилган, айниқса, театрлар актёрлари, ижодий уюшмалар ходимлари ва бошқа танланган одамлардан тузилган гуруҳлар ҳам ўз вазифаларини бажариб бўлишди...

Тўғриси айтиш керак...

Гуруҳ ёмон ишламади...

Харбири астойдил ҳаракат қилди.

Хатто ўзлари ёзаётган «изох»ларига ўзлари ишонмасалар ҳам!

Вазифаларини ниҳоятда



## У кетди...Халқ мулкини талон қилиб кетди...

фидокорлик билан адо этишди.

Янги ҳукумат шуни ҳисобга олиб, озроқ бўлса ҳам, ҳизматларини тақдирлаб қўйса бўларди...

Мен ўзимга қарши ёзилган ўша «изох»ларни атайлаб ўчирмадим...

Вақти- вақти билан эслаб ёки эслатиб туришнинг зарари йўқ... Фойдаси бўлиши мумкин!

Қолаверса, бу «изох»ларни ўқиб, эслаб туриш ўзимиз учун ҳам фойдадан ҳоли эмас...

Кимлар нималар ёзмади...

Хатто баъзи мен ҳурмат қилиб юрадиган шахслар ҳам махсус тузилган тўдаларга қўшилиб, ким ҳақ гапни гапирса, оғизларига келган ҳарқандай ифлос сўзларни қайтармай ёзаверишди...

Адашиб қўшилиб қолганларни кечириш мумкин...

Лекин ўзини «давр қахрамони», «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси»

ҳисоблайдиган, ҳар бир йиғилишда «матка»сини байроқ қилиб юрадиган аёлдан ҳам шунга ўхшаш «изох» тушгани айниқса мени таажублантирди...

Шу қадар пасткашликка боришини кутмагандим!

Майли.

Бўлар иш бўлиб ўтди. Мен ҳаммаларини номларини айтиб ўтирмайман. Ўлган — ўлиб кетди.

Унинг орқасида қандай мерос қолгани ҳақида турли «тинчимиз», «тинчлигимиз», «тиниқ осмонимиз», «қуёшимиз» каби гаплар ҳам учраб турдики, булар ҳақида ҳам кўп ёзиш, таҳлил қилиб бериш мумкин эди... Уйдирма гаплар... Тўқилган ва ўргатилган гаплар...

Кетганнинг орқасидан фақат қонли излари қолди... Ўз халқига қотиллик қилган, мафиябоши,

ўғрилар, порахўрлар суюнчигидан яна нима қолиши мумкин!

Ўзбекистон қонунлари қомусини қандай бузиш мумкинлигини ўз тажрибаси билан кўрсатиб кетди...

Ўзи «давлат бошлиғи» бўлатуриб, мамлакат иқтисодини мутлоқ издан чиқариб, мамлакат аҳолисини қашшоқ ҳолига келтириб кетди.

Бир марта эмас, бирнеча марта тинч аҳолини қирғин қилиб, дарё — дарё қон тўкиб кетди.

Порахўрликни дунё миқёсида энг юқори даражага кўтарилишига асос қўйиб кетди...

Аҳолининг асосий қисми, ўз юртидан иш ва ризқларини тополмаганлари сабаб, ўзга юртлардан иш ва нон излаб,

чиқиб кетишига сабаб бўлиб кетди.

Мамлакат аҳолисининг моддий таъминоти ҳусусида бош қотириб ўтирмай, ўзи бош бўлган мамлакат аҳолиси учун иш жойлари ташкил қилишни хаёлига келтирмай кетди.

Халқ мулкини ўз оила аъзолари билан биргаликда талон — тарож қилиб кетди...

У — кетди.

Орқасида фақат ўзи қилган ва уюштирган жиноятлар изи қолди...

Айтиб қўяқолай...

Бундай катта ва саноғи йўқ жиноятлар қилган одамни ўлим ҳам жавобгарликдан қутқараолмайди...

Жавоби бор...

Қолаверса, бу жиноятларни бир ўзи қилмаган... Атрофидаги мафиядошлари билан бирга ва уларга суюнчи қилган.

Ўша суюнчанлари учун ҳам жавоб бериш муддати ҳали олдинда...

Ҳозир ҳаммалари «ким келаркин?» деган саволга жавоб излаш билан банд...

Албатта, «юртбоши»лик учун ички кураш бошланди... Талашилар жараёнида, балки, озгина нафасни ростлаб олиш имкони ҳам бўлар...

Балки, ҳозир бўлмаса ҳам, вақти билан бир муносиб бошқарув ва бошқарувчилар келишига имкон топилиб қолар...

Умид билан яшаймиз...

У кетди... Халқ мулкини талон қилиб кетди...

Facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди







## Интерпол Фафур Раҳимовни қидирувдаги шахслар рўйхатидан олиб ташлаган

Ўзбекистон ватандоши Фафур Раҳимов исми Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий ваколатхонаси қидирув лентасидан жорий йилнинг 15 сентябрь куни олиб ташланди.

АҚШ Молия вазирлиги 2012 йилда Фафур Раҳимовни уюшган халқаро гуруҳ етакчиларига қарши жорий қилган санкциялари рўйхатига киритган эди.

65 ёшли Фафур Раҳимовнинг исми ҳозир ҳам мазкур рўйхатда қолмоқда.

«Постсовет фуқароларидан ташкил топган «Биродарлик халқаси» (Братва) даги белгилловчи шахс бўлган Фафур Раҳимов ўзбек уюшган жиноят олами етакчиларидан бири ва у Марказий Осиёда наркотик моддалар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган. Раҳимов дунёнинг йирик наркосиндикатларида героин контрабандаси билан боғлиқ операцияларда қатнашиб келмоқда,» дейилади АҚШ Молия вазирлиги расмий сайтидаги хужжат матнида.

Унда «Биродарлик халқаси» деб аталган мазкур гуруҳ аъзоларининг Европа, Яқин Шарқ, Африка ва Лотин Америкаси давлатларида фаолият юритиб келаётгани таъкидланган.

Санкцияга тортилган гуруҳнинг етти аъзоси орасида Фафур Раҳимовдан ташқари яна бир Ўзбекистон ватандоши — Лазар Шайбазян ҳам бор.

АҚШ Молия вазирлигининг билдиришича, Шайбазян «Биродарлик халқаси»

етақчиларидан бири Владислав Леонтевнинг яқин одами сифатида унинг номидан иш кўради.

АҚШ санкциясига тортилган «Биродарлик халқаси» гуруҳи раҳбарлари, хусусан Фафур Раҳимовнинг ҳам ҳозирда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида истиқомат қилиши айтилади.

АҚШ Молия вазирлиги баёнотида санкциялар жорий қилинган шахсларнинг исм-шарфлари, қайси давлат ватандоши экани, яшаш манзиллари, паспорт рақамлари ва бошқа маълумотлар ҳам келтирилган.

Санкция жорий қилинган «Биродарлик халқаси» аъзоларининг аксари бир неча давлат ватандошлари бўлгани ҳолда, (Василий Христофоров (Россия), Қамчибек Колбаев (Қирғизистон), Владислав Леонтев (БАА, Греция, Гана, Венесуэла), Александр Маңуйлов (Россия), Фафур Раҳимов (Ўзбекистон), Лазар Шайбазян (Ўзбекистон), Алексей Зайцев (БАА, Гана, Россия) хужжатда Фафур Раҳимовнинг икки ном билан олинган иккита Ўзбекистон паспортига эга экани қайд этилган.

АҚШ Молия вазирлиги баёнотида мазкур шахсларга қарши санкция жорий қилишдан мақсад АҚШ молиявий ташкилотларини ўзи билмаган ҳолда мазкур гуруҳнинг ноқонуний фаолиятига аралашиб қолишидан ҳимоялаш экани билдирилган.

Айни пайтда жазо чоралари

тилга олинган шахсларнинг АҚШ иқтисодиётига кириб келишини олдини олиш таъминлаб келинмоқда.

АҚШ вазирлиги қора рўйхатга қўшган «Биродарлар халқаси»даги аксар криминал авторитетлардан фарқли Фафур Раҳимовга қарши у ватандош бўлган Ўзбекистонда ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан бирор расмий ёда норасмий айблов қўйилгани ҳақида маълумот йўқ.

Аммо Осиё Бокс федерациясининг собиқ президенти, Осиё Олимпия кенгашининг собиқ вице-президенти, Ўзбекистондаги йирик бизнес тизимлари эгаси Фафур Раҳимов (Ғофир-Арслонбек Аҳмад ўғли Раҳимов) 2012 йилда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раис ўринбосари ва Ўзбекистон Миллий Бокс федерацияси президенти лавозимларидан ҳам четлатилгани ҳақида Озодликда маълумот мавжуд.

Фафур Раҳимовга оидлиги иддао қилинган Ўзбекистондаги бизнес тизимларида 2012 йилда жиддий тафтиш ўтказилгани ортидан унинг Бирлашган Араб Амирликларида ихтиёрий сургунда яшаб келгани айтиб келинади.

Ўзбекистон Бош прокуратураси 2012 йилнинг 28 июн куни эълон қилган хабарномада айтилишича, «Sezam» ва «Lessor Plus» ширкатларидан мамлакатга ноқонуний тарзда олиб кирилган 362,5 миллион сўмга тенг маиший техника ва аудио-видео аппаратура мусодара қилинган.

«Тергов давомида мазкур ширкатлар раҳбарлари 2010-2011 йиллар давомида 6,4 миллиард сўмлик молни ноқонуний тарзда мамлакатга олиб кириб, сотгани, 6,7 миллиард сўмлик молни сотишда қонунларни бузгани ва давлатга 2,4 миллиард сўм миқдорида солиқ ва бошқа тўловларни тўлмагани ҳам фош этилди», дея ёзган бош прокуратура хабарномасида Раҳимовнинг бу ширкатларга алоқадорлиги аниқ айтилмаганди.

Ўзбекистон бизнес доираларига яқин манбанинг айтишича, «Прокуратура келтирган хабарлардаги бизнес тизимлар Ўзбекистондаги бизнеси тортиб олинаётган Фафур Раҳимовга дахлдор».

Спортсмен, савдо вазирлиги

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

мулозими ва тадбиркор?

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги криминал тўдалар ичидаги нуфузини кучайтириб келаётгани айтиладиган Гафур Раҳимов Тошкент ҳукумати томонидан мамлакат спорти, хусусан, боксини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган йирик тадбиркор сифатида эътироф этилиб, шахсан президент Каримов томонидан берилган олқиш ва мукофотларга сазовор бўлган.

Айни пайтда бундан 2002 йилги Сиднейдаги халқаро Олимпиада ўйинларида Осиё олимпия қўмитаси расмийси сифатида қатнашишга борган Гафур Раҳимовни Австралия хавфсизлик идоралари, «халқаро наркобарон» деган шубҳа билан, мамлакат ҳудудига киритмаган ва бу воқеа халқаро майдонда шов-шувга сабаб бўлган эди.

Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Марат Зоҳидов Озодлик билан суҳбатда Гафур Раҳимовни Ўзбекистонда ҳам

Марказий Осиёда ҳеч қандай ғайриқонуний ишларга аралашмаган деб ҳисоблашини билдирди.

Бундан олдин Гафур Раҳимовнинг АҚШ Молия вазирлиги томонидан халқаро наркосиндикатлардаги муҳим шахс сифатида қора рўйхатга киритилиши юриспруденция нуқтаи назаридан унинг жинояти исботланганини аниқлашмайди, деган эди Озодлик билан суҳбатда нуфузли Лондон Иқтисодиёт университетининг халқаро ҳуқуқ бўйича профессори Луиз Ариматсу.

«У ёки бу шахснинг АҚШ банкларидаги активлари музлатилар экан, бу маъмурий ҳуқуққа оид ва бу ишни жиноий ишдан мутлақ фарқлаш лозим. Кимдир террор тармоғига алоқадор ёки уюшган жиноий тўдага аъзо, дейиш бу баёнот — сиёсий баёнот. Агар АҚШда Гафур Раҳимов ёки санкция қўлланилган бошқа шахсларнинг глобал миқёсда наркотиклар контрабандасига алоқадор эканини исботловчи жиддий далиллар бўлса, улар жиноий таъқибни ҳам бошлаши мумкин. Аммо бу бутунлай бошқа

жараён ва ҳозирги босқичда санкция киритилган шахслар айбсизлик презумпциясига кўра, гуноҳсиз ҳисобланади,» деган эди ғарблик ҳуқуқшунос.

Норасмий манбалар президентнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова билан бизнесдаги мавқеини сақлаб қолиш учун рақобатга киришганидан сўнг Гафур Раҳимовнинг ҳукумат, хусусан Ислоҳ Каримов марҳаматидан мосуво бўлгани ва 2010 йилда Ўзбекистондан чиқиб кетганини айтиб келишади.

Айни манбалар иддаосига кўра, Ўзбекистон президенти ўлимидан кейин Раҳимов учун қулай вазият юзага келди.

Озодлик Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий бюроси билан боғланиб Гафур Раҳимов исмининг қидирув рўйхатидан олиб ташланишига ойдинлик киритишга уринди.

Аммо Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий бюросига оид телефон рақамлардан бирортаси билан боғланишнинг имкони бўлмади.

*Манба: «Озодлик» радиоси*

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 8 сентябрь куни ўтказилган қўшма йиғилишида мамлакат президенти вазифасини вақтинча бажариш ваколати Конституциянинг 96- моддасига зид равишда Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топширилди.

Мамлакатнинг биринчи рақамли раҳбарига айланган Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий портретига назар ташлаймиз.

### Шавкат Мирзиёев ким?

Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳақидаги расмий маълумотларда унинг 1957 йили Жиззах вилояти Зомин туманида ветеринар врач оиласида дунёга келгани айтилади.

Тожикистонлик журналист Манижа Қурбонова ўтказган журналистик суриштируви асосида Мирзиёевнинг ота-онаси Тожикистоннинг Гончи туманидаги йўқсиллиги билан танилган Яхтан қишлоғидан Ўзбекистонга кўчиб борганлигини иддао қилади.

Яхтан қишлоғда, асосан, этник ўзбеклар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

### Комсомол, мерган ва партком...

Мирзиёевнинг сиёсий фаолияти



### Золимнинг сояси

Тошкент Ирригация ва Мелиорация институтидан бошлангани ҳақида маълумот бор.

Мирзиёев институтда аввалига бошланғич комсомол ташкилоти котиби бўлган.

Мирзиёев 1982 йилда институтни битириб «инженер-механик» мутахассислигига эга бўлади ва айни институтда кичик илмий ходим даражасида ишлай бошлайди.

Айнан ўша пайтда ов милтиғидан

отишга қизиқиб «Нишонга аниқ урувчи мерган» деган советча кўкрак нишонига сазовор бўлган. Мирзиёевнинг овга ишқибозлиги кейин ҳам давом этган. Ҳоким бўлган даврида овчи Мирзиёев Зомин қўриқхонасида «мерганлик намунаси»ни кўрсатгани ҳақида иддаолар бор.

Шавкат Мирзиёев Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти Коммунистик партия

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

қўмитасида раҳбар, яъни партком лавозимига кўтарилган.

### **Посткоммунист раҳбар қандай кўтарилди?**

1990 йилда Мирзиёев Совет Ўзбекистони Олий кенгашига депутат қилиб сайланган ва ўша йили парламентда ўтказилган Ўзбекистон президенти сайловида Санок комиссияси аъзоси бўлган ва Ислон Каримовнинг назарига тушган.

1992 йилга келиб Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимида ишлади.

Озодлик манбаларининг эслашича, Тошкентнинг Мирзо Улуғбек тумани президент Ислон Каримовнинг «Дўрмон» қароргоҳига чегарадош ва бу туман раҳбари сифатида иш юритиши Каримовга маъқул бўлгани учун 1996 йили Шавкат Мирзиёевга Жиззах вилояти ҳокимлиги ишониб топширилган.

Мирзиёевнинг бу вилоятдаги ҳокимлиги фермерларнинг давлат режаси бажариб бўлинганидан кейинги донни давлатга топширишдан бош тортганлари билан боғлиқ норозиликлар манзарасида кечган.

2001 йилда Самарқанд вилояти ҳокими лавозимини эгаллаганида ҳам «Шавкат Мирзиёев қаттиққўлликлари ҳақидаги хабарлар бутун республикага тарқалган эди» — дея эслайди самарқандлик собиқ мулозим Фарида Бўронова.

### **Ойболта ушлаган Бош вазир**

2003 йилда Президент Каримов Мирзиёевни Ўзбекистон Бош вазири лавозимига тайинлади.

Ўзбекистонда парламент сайловлари ўтказилганидан кейинги Олий Мажлиснинг юқори ва қуйи палаталари илк қўшма мажлисида президент Ислон Каримов Шавкат Мирзиёев номзодини бош вазирликка таклиф этганди.

Мирзиёев бу лавозимга Ўткир Султоновнинг ўрнига келди ва Каримов ўлиmidан сўнг ҳам муваққат президентлик вазифаси билан биргаликда бу лавозимда фаолият кўрсатмоқда.

2004 йил Тошкентга ўша пайтдаги Украинанинг бош вазири Виктор Янукович ташриф буюрган ва Ҳалқаро Бизнес маркази биносида Ўзбекистон Бош вазири

Шавкат Мирзиёев билан музокара ўтказганида илк бора ташқи сиёсат борасида бу кишининг дунёқарashi очикланди.

Бу музокара чоғида Мирзиёев Ўзбекистон яқинлашиб келаётган Украинадаги президентлик сайловида жаноб Янукович номзодини қўллаб-қувватлашини айтган эди.

### **Каримов тобуткаши**

2016 йилнинг 2 сентябрь куни Ислон Каримов ўлими ортидан Шавкат Мирзиёев дафн комиссиясининг раҳбари экани эълон қилинди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 8 сентябрь куни ўтказилган қўшма йиғилишида мамлакат президенти вазифасини вақтинча бажариш ваколати конституцияда кўзда тутилгани қаби Сенат раиси Ниғматулла Йўлдошевга эмас, Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топширилди.

### **Панадаги мулозим**

Шавкат Мирзиёев Бош вазир лавозимини эгаллаган 2003 йилдан то бугунга қадар журналистлар билан мулоқот қилмаган сиёсатчи сифатида кўрилади.

Ўзбекистонлик журналист Шароф Убайдуллаевга кўра, Мирзиёев телеканаллар ва газета саҳифаларида тасвири кўринмаслигини қатъиян талаб қилган.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод сифатида Бош вазир лавозимини шу кунгача эгаллаб келаётган Шавкат Мирзиёев бошқаруви депутатлар тарафидан яхши баҳоланиб, офаринлар айтилмоқда.

Улар назарида “Мирзиёев шарофати билан мамлакатда бир қанча иқтисодий ютуқларга эришилган ва аҳолининг моддий турмуши яхшилланган”.

2015 йил октябрида Бош вазир Мирзиёев ташаббуси билан Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги Шаҳартепа қишлоғидан ўтувчи автомобиль йўли четидagi пахтаси териб олинган чанокларга қайтадан пахта елимлаб чиқилган эди. Бу воқеа дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида ҳажв қилинган эди.

### **«Бой қариндош. Пул ва ҳокимият никоҳи»**

2009 йилда россиялик миллиардер Алишер Усмоновнинг

жиани Бобур Усмонов Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг жиани Диёрага уйланган эди.

Бир неча ойдан сўнг Бобур Тошкентда автохалокат қурбони бўлди. Бобур ва Диёранинг Марям исмли қизчаси бор.

Шавкат Мирзиёевга куда бўлган асли наманганлик Алишер Усмонов Форбс нашрига кўра, Россиянинг энг бой одамларидан бири ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев кўқонлик Маҳмуджон исмли савдогарнинг қизига уйланган ва оиланинг Саида ва Шаҳноза исмли икки қиз фарзанди, шунингдек, Алишер исмли ўғли бор.

Мирзиёевнинг Саида исмли қизи ва унинг эри Ойбек Турсуновнинг бедодлиги ҳақида интернетга маълумотлар сиздирилган эди.

Хавфсизлик нуқтаи назардан ўз исми фош этилишини истамаган собиқ амалдорнинг иддаосига кўра, давлат захираларини бошқариш қўмитасида мулозим бўлган Турсунов айни идорадаги камомади ҳамда валюта қора бозоридаги фаолияти боис муаммога дуч келган.

Озодлик манбасига кўра, Ойбек қудратли қайнотаси кўмагида жазодан кутулиб Москвага кетиб яшашга мажбур бўлган. Улар Москванинг бойлар яшайдиган «Рублевка» мавзесида яшашган.

Сўнгги маълумотга кўра, Ойбек Турсунов Тошкентга қайтган.

Бош вазирнинг куёви Ойбек Турсуновнинг отаси Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги Терроризмга қарши кураш бошқармаси собиқ бошлиғи, Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи истеъфодаги полковник Ботир Турсуновдир.

2001 йилда Ўзбекистондан қочган собиқ Ички ишлар вазирлиги мулозими ва пахта тужжори Баҳром Мўминоҳунов Россиянинг етакчи телеканалларидан бири «ТВ-Центр» намоиш қилган ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳга қарши амалга ошмай қолган суиқасд ҳақидаги махсус кўрсатувда Ботир Турсунов тилга олинган эди.

2010 йили IzRus портали Исроилнинг «Ихиллов» касалхонасида Шавкат Мирзиёевнинг Шаҳноза Мирзиёева-Шаханова исмли қиз фарзанд кўргани ҳақида ёзди.

Шаҳнозанинг эри Отабек Шаханов ҳақида маълумотлар кам.

*Манба: «Озодлик» радиоси*

Ислом Каримовнинг чорак асрлик президентлиги даврида Ўзбекистон Конституциянинг аксар бандлари, таҳлилчиларга кўра, декларатив тарзда қолди, баъзи бандлари эса муттасил бузилди.

Аксар кузатувчиларнинг ишонишича, Каримов ўлимидан сўнг, Конституциянинг 96-моддаси бузилди: Муваққат президентликка, қонунда кўрсатилганидек, Сенат раиси Ниғматулла Йўлдошев эмас, балки Бош вазир Шавкат Мирзиёев тайинланди.

Конституция бузилгани борасида ижтимоий тармоқларда илгари фаол бўлмаганлар ҳам хавотир билдира бошлашди.

Шундан келиб чиқиб Озодликнинг Курултой эшиттиришида «Конституцияни ким ҳимоя қилади?» деган саволга жавоб изланди.

Ў з б е к и с т о н

конституциясига 2011 йил апрелида киритилган ўзгаришга кўра, президент оғир бетоб бўлиб қолса, вақтинча Президент ваколатлари Сенат Раисига юклатилиши белгиланган эди.

Конституциянинг 96 моддасида акс этган бу ҳолат юзасидан Ўзбекистоннинг марҳум президенти Ислом Каримов 2010 йил ноябрда таклиф билан чиққан эди:

«Мамлакат президенти ўз вазифасини бажара олмай қолган вазият юзага келганда, ушбу моддани турлича талқин қилишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади: Мамлакатнинг амалдаги президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати раиси зиммасига юклатилади. Бунда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси президенти сайлови тўғрисидаги



## Конституцияни ким ҳимоя қилади

қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат президенти сайлови ўтказилади. Буням тўғри қабул қилишингизни сўрайман, сабаби, бу ерда оддий, демократик давлатларда кенг тарқалган йўли айна шу. Агар президент турли-турли сабаблар билан мамлакатни бошқаришга қурби етмаса, яна тушунмовчилик пайдо бўлмаслик, тортишувлар пайдо бўлмаслик, қабилалар президентлик лавозимига ўзимизнинг одамимизни, қабиламыз вакилини кўямиз, деганлар пайдо бўлиши мумкин. Ёки маҳаллийчилик деймиз. Бир вилоят ўзини одамими, бошқаси ўзини одамими, унақа нарсалар, бунақа қолдиқлар бизда ҳали бор. Ҳаёлда бор. Нима учун президент бўлиб анави областдан, вазир мана бу област(вилоят)дан келиб ўтирибди, нима учун бизлардан вакиллар йўқ, деганлар, замонни тушунмайдиган, ўрта асрларда қолиб кетган одамлар ҳам бор.» деб айтганди Ислом Каримов.

«Шу нуқтаи назардан айнан

мана шунақа модда керакки, ҳаммаси аниқ-равшан конституцияда белгилаб берилиши керак. Ҳеч ким бу давлат деган, буюк давлат деган Ўзбекистонни оғир аҳволга туширишга ҳаққи йўқ», дея такидлаган эди марҳум Ислом Каримов

Курултойда иштирок этган муҳолифатдаги «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда давлат тўнтариши бўлди, деган фикрда:

«Қонунни бузиш уйни бузишдан кўра фалокатли. Ўзбекистонда давлат тўнтариши бўлди,» деди Муҳаммад Солиҳ.

Блоггер Сукрот Ошиқ ўз юртдошларига мурожаат қилиб, ўз таъбирида, жиноятга шерик бўлмасликка чакирди:

«Мен ўзини хурмат қила оладиган юртдошларимга мурожаат қилмоқдаман. Индамаслик ҳам — жиноятчиликка шерик бўлиш.

Масаланинг қайғулиги шундаки, давлат раҳбарлари — биринчи ва иккинчи шахслар — асосий қонун булган Конституцияни поймол қилдиларк.

«Бу мураккаб ва чалкаш жараён ичидан чиқиш учун ҳуқуқий коридор топмоғимиз керак,» деди Тошкентдан сиёсатшунос Фарҳод Толипов.

Аммо таниқли ҳуқуқбон Толиб Ёқубов агар Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимият тепасига келишини Ўзбекистон учун «катта кулфат»га тенглаштирди.

«Конституцияда кўзда тутилмаган шаклда Мирзиёевнинг муваққат президент этиб тайинланиши конституцияга зидми, деган савол кулгили. ҚИП-ҚИЗИЛ ЗИД! Конституция моддаларини бузиш бошланди. Бу — биринчи қадам. Энди кимўзар пойгаси бошланади — Каримов кўп бузганми, Мирзиёев кўп бузадими? Охири бахайр бўлсин!» дейди Толиб Ёқубов.

Манба: «Озодлик» радиоси

## «ЭРК»чининг зерикарли куни

Очиғини айтадиган бўлсам, жорий йилнинг 7 сентябр куни мен учун «зерикарли» бўлди.

Нега десангиз эргалаб кўчага чикдим. Тахминан 100 метр юрдим, кейин 200 метр, боре де яна 300 метр юрдим. Ҳеч ким менга ортингизга қайтинг, уйингиздан ташқарига чиқа кўрманг деб айтмади.

Пана-пана жойларда қўйилган

машиналар ҳам кўринмасди. Ўз маҳалламдан чиккан «кулоқлар» ҳам қаёққадир кетгандай....

Назаримда 2-6 сентябр кунлари ўтказилган, «ЭРК» партияси аъзоси Равшан Содиковнинг, уйдан ташқарига чиқармаслик операцияси поёнига етган кўринади.

**Равшан Содиков**  
*Facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди*

## Президент ваколоти конституцияга хилоф тарзда Мирзиёев қўлига ўтди

Конституциянинг 96 моддасига зид тарзда президент вазифасини ўташ ваколоти Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топширилгани иддао қилинмоқда

8 сентябр кунги Сенат мажлисида Ўзбекистон республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев вақтинча президент вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Россиянинг Интерфакс ахборот агентлиги хабарига кўра, айни қарор Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенатининг бугунги кўшма мажлисида чиқарилган.

Бунгача аксарият нашрлар, жумладан [eltuz.com](http://eltuz.com) 8 Сентябрь кунги Сенат мажлисида, Ўзбекистон Конституциясининг

96-моддасига мувофиқ, вақтинча президент мартабаси Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев зиммасига юклатилгани ҳақида билдирган эди.

Сўнгги соатда олинган хабарга кўра Сенатнинг бу қарори ҳақидаги хабарлар расмий сайтлардан олиб ташланган. Унинг ўрнида президент вазифасини вақтинчалик бажариш мартабасига Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев тайинлангани, Сенати раиси Ниғматилла Йўлдошев эса ўз номзодини қайтиб олгани иддао қилинмоқда.

*Манба: [eltuz.com](http://eltuz.com)*



Катта юк машиналарида гуллар келтиришибди. (Мусулмонлар марҳумни гул билан кузатмайди).

Ҳар 5 метрда милиция... Милициялар, формасизлар гулларни қора машина тагига улоқтиришни буюришибди. Гуллар пачақланган, хор

## Ҳаммаси саҳналаштирилган

*(тахририятга келган хатлардан)*

Синглим кичкина раҳбар. Тўғриси Ўзбекистонда порасиз, илми, маърифати ва одамгарчилиги туфайли тайинланган санокли боғча мудираларидан. Кечаси иккида ҳокимликдан телефон қилиб, ходимлари билан биргаликда президент билан видолашишга чиқишга чақирибди.

Синглим Дўрмонга яқин жойда яшайди. Мажбур чиқибди.

бўлган. Мунофиқлар, зомбилар, чулчутлар, ўзбекчани билмайдиган «ўзбекчалар» эса йиғлаган... Хуллас катта томоша.

Ҳеч қанақа халқ ўз хохиши билан, стихияли чикмаган. Ҳаммаси уюштирилган, ташкил этилган, мажбурлаб олиб чиқилган. Аҳмоқлик давом этади... Баъзилар уни аламзадалардан кўриб 2 сентябрдан олдин кўмиб бўлишган дейишяпти. 2 сентябр эса спектакл холос...

*Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)*

## Сен ҳеч кимсан, Шоира Акбутаевна!

**Отамурод Раҳмон**

«Шоира Акбутаевна Умарова» исмли бир фб.чи ўзи муҳолифатчи деб ўйлаган кишиларга қарата: «Ҳеч ким сизларга кушилмайди оввора буласилар», дебди.

Булармунча ўзини ҳақиқатни биладиган, ҳақиқатнинг ягона эгаси деб билмаса!

«Ҳеч ким» деганингиз ким, синглим?

Сизми?

Бир ўзингизми ё яна бир-иккита сизга ўхшаганлар борми бу «ҳеч ким»нинг ичида?

Ҳар ҳолда 32 миллион халқ битта сиз ва бошқа сиз каби «ҳеч ким»лардан иборат эмасдир.

Тўғри, сиз ва сиз каби «ҳеч ким»лар бизга қўшилмасликларингиз мумкин. Қўшилмасаларингиз қўшилмангизлар.

Эскисининг диктаторлигини, халқ эса эзилиб яшаётганини билатуриб шу кунгача «ота»млаб келдингизлар.

Энди янгиси ҳам ундан баттар эканини биринчи қадамиданоқ кўрсатиб турганига, Асосий Қонунга ҳам тупурганига қарамай, кўрларча мадҳ этишга тушдиларингиз.

Ифлослигини билиб туриб ҳам ёпишяпсизларми, демак, сиз ва сиз каби «ҳеч ким»ларнинг жойи ифлос ерлардир! Сизлар тоза жойда, тоза муҳитда яшай олмайсизлар, шунинг учун тозаликни ёқтирмайсизлар.

Пашшалар хожатхонада маза қилади, аммо тоза дастурхонга ҳам кўниб, доим таъбларни тирриқ қилади.

*Муаллифнинг [facebook.com](http://facebook.com) ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди*



## 17-март — СССРни сақлаб қолиш референдумида Ўзбекистон ҳайбаракаллеси

**25 йил бурун Кремл тарафдори Каримов сўнги бор СССРни сақлаб қолишга уринган эди**

1991 йилнинг 17 мартида Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзкомпартия СССРни сақлаш учун 93.7 фоиз овоз ташкил қилиб берган эди.

Референдумга оид ҳужжатларда (Грузия, Эстония, Латвия, Литва, Молдавия ва Арманистондан ташқари) бутун Иттифоқ бўйлаб жами 80 фоиз, Ўзбекистондан эса 95,4 фоиз сайловчи иштирок этгани иддао этилади.

### Каримов мафқураси тўқиган икки афсона

Қўлимизда 1991 йил 16 ва 17 мартда чоп қилинган “Халқ сўзи” газетаси. Орадан 25 йил ўтиб газетанинг сарғайган саҳифаларини varaқлар эканмиз, сўнги йилларда Каримов мафқураси тўқиган икки афсонанинг йўққа чиққанлигини кўраимиз.

Булардан бири ўзбек номенклатураси ва унинг бошида турган Каримовнинг “мустақиллик учун курашгани” ҳақидаги афсона бўлса, яна бири мустақилликдан олдин “Наврўз тақиқлангани” ҳақидаги иддао.

Бундан 25 йил олдин чоп қилинган “Халқ сўзи” газетасида икки мавзу тилга олинади. Булардан бири “Буюк СССРни сақлаб қолиш” ва иккинчиси “Ўзбекистондаги Наврўз шукухи” Халқ сўзи газетасининг 16 март шанба куни чоп қилинган 54

сонининг биринчи varaғида “Буюк Иттифоқ давлатимизни сақлаб қолайлик” деган бош мақолага кўзимиз тушади.

Газета манжетида эса “Эртага фуқаролик бурчимизни бажарамиз. Лотинчада referendum ўзбекчада дил изҳори” деган шиор ўрин олган. Саҳифанинг ўнг тарафида “Ўзбекистон ССР билан Қирғизистон ССР ўртасида дўстлик” ҳақидаги шартнома матни берилган. Саҳифанинг қолган ярми эса. “Наврўз нафаси” ва “Андижоннинг вилоят бўлганига 50 йил тўлгани” ҳақидаги мақоладан иборат.

### “Бир тану, бир жон бўлиб...”

Газетанинг 16 март кунги сони “Ўзбекларни СССРни сақлаб қолиш референдумида “ха” деб овоз беришга” тарғиб қилади.

17 март кунги сони эса бу “тарғибот меваси” сифатида кўринади. Обуначига 3 совет тийини (уч кути гугурт нархи), дўқондан сотиб олиш учун эса 18 совет тийини дея нархланган “Халқ сўзи”нинг 17 март сони “Тақдир чегараси” ва “СССР президенти овоз беради” деган мақолалар туркуми билан очилади.

Овоз бераётган хушнуд ўзбеклар суратлари илова қилинган бу мақолаларда ўзбекларнинг СССРни сақлаш учун “бир тану бир жон бўлиб овоз бергани” “мамнуният билан” қайд қилинади.

“Халқ сўзи” муҳбири Ўзкомпартия мулозими Дилмурод

Махмудовдан иқтибос келтириб, референдум арафасида Республика раҳбарияти СССРни сақлаб қолиш учун улкан тарғибот ишлари олиб борганлигини таъкидлайди.

Мақолаларда оддий халқ вакилларининг “СССРни қандай севишлари” ҳақидаги “инсоний ҳикояларга ҳам кенг ўрин берилади. “Бўлингани бўри ер, айрилгани айиқ ер” каби шаклан миллий, мазмунан социалистик мақолу маталларга ўрин берилади.

Мақолалардан бирида тўшакка миҳланиб касал ётган ўзбек кампирнинг СССРни сақлаш учун овозини қай тарзда бергани ҳиссий ҳикоя қилинади.

Газетанинг охири саҳифасида Ўзбекистон ССР округларидаги референдум натижалари эълон қилинган, бу маълумотларга кўра ўзбек сайловчиларнинг 93.7 фоизи “СССРни сақлаб қолиш учун овоз берган.

### «Эрк» партияси СССРга қарши овоз беришга чақирган

1991 йил баҳорида бўлган референдумни бойкот қилиш борасида Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси қатор тадбир ўтказган эди.

Eltuz.com тасарруфидаги маълумотларга кўра, 1991 йил Ўзбекистон парламентида озчиликни ташкил қилган “Эрк” демократик партияси референдумда СССРга қарши овоз беришга чақирган.

“Эрк” демократик партияси СССРга қарши varaқа чоп қилиб аҳоли ўртасида тарқатган.

1991 йилнинг 15 мартда Урганч автовокзалида СССР референдумига қарши Эрк varaқасини тарқатаётган махсус математика мактаби ўқитувчиси Гулнора Қўшбоева милиция ва КГБ зобитлари тарафидан қўлга олиниб varaқалар мусодара қилингани ҳақидаги протокол Eltuz.com да мавжуд.

Бу протоколга кўра Гулнора Қўшбоевани СССРга қарши тарғибот юритди, деб қамаб қўйилган.

### «Бирлик» ҳаракати ва диний идора СССР тарафдори

Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракатининг референдум масаласидаги нуқтаи назари “Олдин демократия, кейин мустақиллик” деган тезисда ифода

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

топган эди.

Мархум муфти Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бошчилигидаги Ўрта осие мусулмонлар идораси (САДУМ) СССРни сақлаб қолиш ташаббусчиси яъни Кремл тарафида бўлган.

Бу референдумдан бир йил олдин Ўзбекистон парламенти депутатлари давлат мустақиллиги декларациясини қабул қилган эди.

Шунга қарамасдан ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби Ислоҳ Каримов бу референдумни ўтказишнинг фаол ташаббускори бўлди.

1991 йилнинг 17 мартда Ўзбекистон ССРнинг референдумда қатнашган фуқароларидан 93,7 фоизи «СССР қолсин», деб овоз берди.

**Олти давлат бош тортган референдумда Ўзбекистон ҳукумати «пешқадам» бўлди**

Эслатиб ўтамиз Горбачев хуррияти меваси ўларок “мустақиллик парадлари” ортидан ўтказилган СССРни сақлаб қолиш референдумида Болтиқбўйи республикалари қатнашишдан бош тортган эди.

СССР Марказий сайлов комиссияси эълон қилган референдум натижаларига кўра, сайловда қатнашганларнинг 76,4% фоизи Совет Иттифоқи сақланиб қолиниши учун овоз берди, олти иттифокдош республика (Литва, Эстония, Латвия, Грузия, Молдавия, Арманистон) бу референдумда қатнашмади.

Бу республикалар ўз парламентлари тарафидан мустақиллик баённомаси эълон қилганини сабаб қилиб бу референдумни бойкот қилишди.

Референдумда энг кўп овоз беришда ўзбекистонликлар фақат Туркменистондан орқада қолишди, холос. Ўшанда Туркменистон ССР фуқаролари 97,9 фоиз овоз бериб,

СССР тарафдорлиги бўйича рекорд кўйишди.

Аммо орадан тўрт ой ўтиб Совет Иттифоқи кулади. Ўзбекистон парламенти 1991 йил 31 августда мамлакат мустақиллигини эълон қилди. Раҳбарият СССРдан ажралиш масаласини яна референдум воситасида аниқлашга эҳтиёж сезди.

1991 йил декабрида ўтказилган президент сайловига илова сифатида референдум ҳам ўтказилди. «Сиз Ўзбекистоннинг СССРдан ажралиб мустақил бўлишини истайсизми?» деган савол кўйилди.

Орадан бор-йўғи 9 ой ўтиб энди ўзбекистонликларнинг 97 фоизи СССРга қарши овоз беришди.

Хоразмда Қўшбоевани «СССРга қарши» деб қамаган милиция мулозими ўша куни СССР тарафдорлари бош кўтармасин, деб туни билан постда турган эди.

**Ботир Ражабов**  
Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)



## Ўзбекистон мустақиллиги учун ҳозирда чет элларда сарсону саргардон юрган инсонлар курашган эди

Отамурод Раҳмон Каримов бошқарувининг мевалари очик кўринди: юзсиз, ориятсиз, ахлоқсиз, безрайиб қараб туриб оқни қора-қорани


оқ дейдиган, ўғрилиққа, қонунбузарлиққа, порахўрликка этини кўниктирган, тўғри гапдан кўрқадиган, ҳақиқатни ёқтирмайдиган, бошлиқлар қаршисида тиз чўкаверадиған, кул психологияли аллақандай бир тоифа етишиб чиқибди.

элларда сарсону саргардон юрган инсонлар курашган эди, Каримов ва у бошлиқ коммунистлар эмас! Аммо бу тоифа шу ҳақиқатни ҳам билмайди. Билса-да, безбетларча билмасликка олиб тураверади.

Бугунги холлари яхшими-ёмонми, сизнинг, менинг овоздигимиз, ватанимизнинг мустақиллиги учун курашган эди ҳозирги муҳолифатчилар! Энг кўп сўқишни ҳам шулар эшитяпти. Инсоф деган нарса йўқ бу тоифа одамларда.

Каримов ва у бошлиқ тўданинг энг қатга жинояти — мана шунақа насл қолдирди ўзидан.

**Муаллифнинг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди**



## Каримовдан кейинги Ўзбекистон ҳукумати ички сиёсатдаги ўз ижросини муҳолифат вакилларига тазйиқдан бошлади

Бугун Самарқанддан келаётган хабарларга кўра “Эрк” партиясининг Самарқанд вилоят раиси Равшан Содиқов уй ҳибсига олинди. Равшан Содиқов ҳақидаги бу хабарни унинг дўстлари юборди.

Ҳибсга олиш сабабини сўраганимизда бирор

аниқ жавоб бермадилар. Бизнинг тахминимизча Равшан Содиқовнинг уй ҳибсига олинниши сабаби бугун Самарқандга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Бармоқларни уқалашнинг турли аъзоларга фойдалари

Барчамизнинг умумий шикоятимиз бош оғриғи ёки танамизнинг ҳар хил қисмларида сабабсиз тўсатдан оғриқ пайдо бўлишидир. Бундай ҳолатлардан оғриқ қолдирувчи дори ичмай ёки докторга мурожаат қилмасдан фақатгина рефлексотерапия билан 60 сонияда қутулиш мумкин.

Рефлексотерапия оддий бир амалиёт бўлиб, вужудимизнинг ҳар аъзоси ва қисмини бошқа аъзолари билан боғлиқ бўлганлиги билан алоқадор бир тизимдир. Яъни бармоғингизни босиб ушлаган пайтингизда шу қисм билан боғлиқ бошқа аъзойингиздаги оғриқ зумда йўқолади.

Қилишингиз керак бўлган ягона иш – бу қайси бармоқнинг қайси аъзо билан алоқадорлигини ва шунга кўра нима қилиш кераклигини билиб олишдир.

Бошбармоқ – Юрак ва ўпка билан алоқадордир. Юрак уруши тезлашган вақтларда бошбармоқни силасангиз, юрак уришини секинлашишига кўмаклашади.

Кўрсаткич бармоқ – Бу бармоқ ичак ва ошқозон билан боғлиқ. Агар қабзият (ич кетиши) ва қорин оғришидан

шикоятингиз бўлса, кўрсаткич бармоғингизни босиб ушланг ва 60 сония давомида силанг. Қорин оғриғини бир зумда тўхташини ҳис қиласиз.

Ўрта бармоқ – Бу бармоқ юрак, ингичка ичак, қон айланиши ва нафас олиш тизими билан алоқадордир. Агар доимий бош оғриғи ва уйқучанлик билан қийналаётган бўлсангиз, шикоятларингиздан қутулиш учун ўрта бармоғингизни силашингиз етарли бўлади.

Номсиз бармоқ – Ушбу бармоқ кайфият билан боғлиқдир. Инсон тушқунлик ҳолатини ҳис этгани замон, номсиз бармоқни уқалаш натижасида ўзини яхши ҳис қилади.

Жимжилоқ бармоқ – Бош, бўйин ва буйрак билан алоқадор. Яъни, бир бош оғриғи ёки бўйин оғриғидан шикоятингиз бўлган вақтда, ёки буйрагингиз оғриси, жимжилоқ бармоғингизни уқалаб ўзингизни янча яхши ҳис қилишингиз мумкин.

Кафт – Кафтларимиз қон айланишини яхшилаш учун жуда самарали ва асаб тизимимизга бевосита таъсир қилади. Кафтларни бир бирига уриш, яъни қарсак чалиш жараёни жуда фойдалидир.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

## Қизил танлиларнинг турк эканлиги тасдиқланди

АҚШдаги янги қазилмалар қизил танлиларнинг турк эканлигини тасдиқлади. Аризонадаги Чероки хундулари билан боғлиқ амалга оширилган қазилмалар натижасида топилган тош ёзувлар қизил танлиларнинг Турк миллатига мансуб эканлиги иддаосини янада мустаҳкамлади.

Шимолий Аризона Университети Археология ва Антропология бўлими профессори доктор Френсис Смайли ва унинг жамоасининг Аризонадаги Финикс шаҳрида ўтказилган қазилма тадқиқотларида топилган ёзувлар, қизил танлиларнинг Турк эканлиги билан боғлиқ иддаолар борасида кучли далиллар тақдим этади.

Қазилмалар ишлари давомида топилган тош ёзувлар, қизил танлиларнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб эҳатларга ойдинлик киритди. Қояли ҳудудлардаги истиқомат ерларида топилган тош ёзувларда қизил танлилар учун муқаддас ҳисобланган нарсалар ҳақда айтилади. Ёзувга кўра, хиндулар тилида “mōvia” дея номланган нарса “от”, “roawī” номли нарса “аёл” ва “сewa” номли нарса эса “қурол” бўлиб, Қизил танлиларнинг соҳиб бўлиши керак бўлган энг муқаддас ашёлар сифатида келтирилган ва бу уч нарсага соҳиб бўлган Қизилтанлилар, қабиланинг энг обрўли жангчилари ҳисобланган.

Ушбу мавзу бўйича баёнот берган Коня Маром Университети Турколог бўлими бошлиғи доктор Нуриддин Болсиз, натижанинг қутилмаган эмаслигини, Қизил танлиларнинг Турк эканлиги ҳақида баҳс-мунозараларда ортиқ шубҳага ўрин қолдирмаган бир ҳолда тугатилиши кераклиги таъкидлади. Болсиз мамлакат сифатида ҳаётда қолган Ҳинду биродарларимизга эга чиқишимизни, бунинг учун мажлисининг бир оз аввал Ҳиндуларнинг қатлиомини инкор қилганларни жазолаш ҳақида қарор чиқариш лозимлигини айтган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

**“ERKIN YURT”**

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)

Мухаррир: Нурбек Саломов